

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/10.12.2019.I.16.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАЖЕКЕЕВ ЗИЙНАТДИН КОБЕЙСИНОВИЧ

**ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА КРЕДИТ
ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ ҲИСОБИ ВА АУДИТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2022 йил

УДК: 631.16:657.6(575.1)
631.16:657.213(575.1)

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD) on
Economic sciences**

Тажекеев Зийнатдин Кобейсинович

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида кредит операцияларининг
ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш.....3

Тажекеев Зийнатдин Кобейсинович

Совершенствование бухгалтерского учета и аудита кредитных
операции в условиях либерализации экономики27

Tajekeev Ziynatdin Kobeysinovich

Perfection of accounting and auditing of loans in the liberalization of the
economy53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....58

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/10.02.2019.I.16.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАЖЕКЕЕВ ЗИЙНАТДИН КОБЕЙСИНОВИЧ

**ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА КРЕДИТ
ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ ҲИСОБИ ВА АУДИТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2022 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3PhD/Iqt734 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tsue.uz.) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Дусмуратов Раджапбай Давлатбаевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Мақсудов Бегматжон Юлдашалиевич
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Қўзиев Ислон Неъматович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» Миллий тадқиқотлар университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги DSc.03/10.02.2019.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил « 16 » ноябрь соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, И.Каримов кўчаси, 49-уй, Тел.: (71) 239-28-72 факс: (71) 239-43-51, e-mail: info@tsue.uz

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1199-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, И.Каримов кўчаси, 49-уй, Тел.: (71) 239-28-72; факс: (71) 239-43-51; e-mail: info@tsue.uz

Диссертация автореферати 2022 йил « 29 » 10 кун тарқатилди.
(2022 йил « 29 » 10 даги № 53 рақамли реестр баённомаси).



[Signature]
М.П. Эшов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгашчиси, и.ф.д., профессор

[Signature]
У.В. Гафуров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

[Signature]
С.К. Худойкулов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинарчиси, и.ф.д. профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Барқарор ривожланиш мақсадлари-2030»нинг «Муносиб иш ўрнини яратиш ва иқтисодий ўсиш» ҳамда «Саноат, инновация ва инфратузилмани ошириш»¹ мақсадларининг юқори самарадорлик билан амалга оширилишида молиявий ресурсларга, хусусан инвестиция кредитларига ҳамда қарз маблағларига бўлган талаб ўсиб бормоқда. «2020 йилнинг якунлари бўйича хорижий давлатларнинг миллий иқтисодиётларида ялпи ички маҳсулотларига нисбатда хусусий секторга ажратилган маҳаллий кредитлар АҚШда 216,56 %, Францияда 122,45 %, Японияда 192,1 %, Хитойда 182,43 %, Жанубий Кореяда 164,78 %, Сингапурда 132,68 %, Швецияда 140,17 % ва умумжаҳон бўйича 147,59 % ни ташкил қилмоқда»². Бу эса кредит ва қарзларнинг иқтисодий ўсишга таъсири тобора ошаётганидан далолат бермоқдаки, бир томондан, уларнинг негизида миллий иқтисодиётларнинг кенг миқёсдаги лойиҳалари ва дастурлари амалга оширилиб, янги ўсиш суръатлари таъминланаётган бўлса, иккинчи томондан, ҳар хил иқтисодий ва молиявий инқирозлардан сақланишда уларнинг ҳисоби ва аудити, мақсадли фойдаланилиши юзасидан ташкилий-услугий ёндашувларнинг самарали воситаларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Жаҳон амалиётида кредит операциялари бўйича кўпгина илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Лекин глобаллашув жараёнида динамик ривожланаётган молиявий муносабатлар ва пайдо бўлаётган янги иқтисодий чақириқлар муҳитида бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг ташкилий-услугий жиҳатдан сифатининг пастиги ҳамда назорат ва хизмат воситаси ўлароқ камчиликларга йўл қўйилаётгани, шунингдек, ички назорат муҳитининг кучсизлиги ва ноодатий вазиятларга мос жавоб бера олмаётганлиги долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Хусусан, бизнес субъектларининг ўз маблағлари ва қарз капитали асосида фаолият юритиши ва даромадини ошириб боришида мавжуд заиф ҳисоб-назорат тизимида аудит услубиятининг замонавий амалий масалаларини ҳал этишда муайян муаммоларга дуч келиш ҳоллари яққол кўзга ташланмоқда. Халқаро стандартлар ва илмий манбаларда бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг мақсади мулк эгаларининг капиталини бошқариш, кўпайтириш, ҳисобдорлиги ва фаолият шаффофлигини ошириш орқали, пировардида жамият манфаатларини ҳимоя қилиш ва унга хизмат қилиши таъкидланган. Шу боисдан ҳам инвесторларга иқтисодий қарорлар қабул қилишига таъсир этувчи рискларни ҳисобга олган ҳолда тузилган фойдали хулосалар тақдим этишда кредит операциялари ҳисоби ва аудити бўйича кенгроқ миқёсда ва доимий илмий тадқиқот ишларини олиб бориш тақозо қилинмоқда.

Ўзбекистонда сўнгги беш йилда олиб борилган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар натижасида барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришилди. «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт

¹ un.org/sustainabledevelopment/sustainable-development-goals/, un.org/sustainabledevelopment/economic-growth/, un.org/sustainabledevelopment/infrastructure-industrialization/

² <https://data.worldbank.org/indicator/FS.AST.PRVT.GD.ZS>

стратегияси тўғрисида»³ги Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонида «Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш»⁴ белгиланган. Бу эса, мазкур соҳага молиявий ресурсларнинг янада кўпроқ жалб этилишини тақозо этиб, миллий ишлаб чиқариш соҳаларини барқарор ривожлантириш, самарадорлиги ва рақобатбардошлигини ошириб бориш эса, кўпинча қарз маблағлари, айниқса кредит ресурсларидан самарали фойдаланишга боғлиқ бўлади. Шундай экан, кредит операцияларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш ва аудиторлик текширувидан ўтказиш услубларини такомиллаштириш, шубҳасиз, мазкур мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сон «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 9 январдаги ПҚ-4563-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа норматив ҳужжатларда кўрсатилган вазифаларни бажаришда маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Таъкидланган муаммонинг ўрганилганлик даражасини баҳолашда, фақат кредит операциялари ҳисоби ва аудити мавзусига тааллуқли бўлиб қолмасдан, кредит ва қарз операциялари тушунчаларининг назарий жиҳатлари, унинг норматив, илмий-услубий ва ташкилий жиҳатларини ҳам кўриб чиқишни талаб этади. Кредит операциялари ҳисоби ва аудити масалалари хорижлик олимлардан F.L. Fry, C.R. Stoner, R.E. Hattwick, C.S. Warren, J.M. Jeeve, J.E. Duchac, W.F. Messier, Jr., S.M. Glover, D.F. Prawitt, R.J. Elder, M.S. Beasley, C.E. Hogan, A.A. Arens, A. Elifsen, K.R. Subramanyam, M.G. Hadjimichalakis, K.G. Hadjimichalakis, C.M. Бычкова, П.И. Камышанов, А.Д. Шеремет, Я.В. Соколов, А.В. Глущенко, А.П. Слепова, В.А. Щегорцова, В.В. Иванова, Б.И. Соколов,

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон фармони, 2022 йил 28 январь, lex.uz/uz/docs/5841063.

⁴ Шу ерда.

Ғ. Ерен, А.С. Замуруев, Л.И. Хоружий⁵ ва бошқаларнинг асарларида тадқиқ қилинган. Кредит ва қарзларни жалб қилиш, уларнинг ҳисобини ташкил этиш, юритиш ҳамда аудиторлик текширувидан ўтказиш масалалари И.Т. Абдукаримов, Ш.З. Абдуллаева, Б.А. Хасанов, З.Т. Маматов, И.Н. Қўзиёв, Р.Д. Дусмуратов, А.К. Ибрагимов, А.Ж. Туйчиев, И.К. Иминов, Ш.У. Хайдаров, М.Қ. Пардаев, А.А. Каримов, О.М. Кулжанов, Х.А. Ортиқов, О.Ю. Рашидов, С. Элмирзаев, А.Н. Наврўзова, А.А. Омонов, Г.О. Турдиева, Т.М. Қоралиев, Б.Н. Муйдинов⁶ ва бошқаларнинг асарларида умумий асосларда кўриб чиқилган.

Аммо ушбу манбаларда кредит операцияларининг бухгалтерия ҳисоби, аудиторлик текширувини ташкил этиш, режалаштириш ва ўтказишнинг ташкилий-услубий жиҳатлари, шунингдек, аудитда молиявий таҳлил усулларини қўллаш масалалари етарлича ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Қорақалпоқ давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Бизнес субъектларида ҳисоб,

⁵ Fred L. Fry, Charles R. Stoner, Richard E. Hattwick. Business: an integrative framework. IrwinMcGraw-Hill. –P 368; Carl S. Warren, James M. Jeeve, Jonathan E. Duchac. Accounting, 27 e. USA: Cengage Learning. 2018 –P 539; William F. Messier, Jr., Steven M. Glover, Douglas F. Prawitt, Auditing & Assurance Services: a systematic approach, McGraw-Hill Education, 2 Penn Plaza, New York, NY 10121, the United States of America, 2017, –P 714; Randal J. Elder, Mark S. Beasley, Chris E. Hogan, Alvin A. Arens. Auditing and assurance services (17th edition). United Kingdom: Pearson Education Limited. 2020. –P 154; Aasmund Elifsen, William F. Messier JR., Steven M. Glover and Douglas F. Prawitt. Auditing and Assurance Services 3th international edition. United Kingdom: 2014. McGraw-Hill Education. –P 135; Subramanyam K.R. Financial statement analysis, 11th edition Published by McGraw-Hill Education, 2 Penn Plaza, New York, NY 10121. –P 701; Бычкова С.М., Е.Ю. Итыгилова. Международные стандарты аудита: учебное пособие, –М.: ПРОСПЕКТ, 2008. –С 482; Глушенко А.В., Слепова А.П. Заем, кредит и ссуда-категориальный анализ. –Москва: Финансы и кредит, 2003 г.-С 18; Щегорцова В.А. Деньги, кредит и банки. –М.: Юнити-Дана. 2005 –С176; Иванов В.В., Соколов Б.И. Деньги, кредит и банки. 2-изд. –М.: ТК Велби изд Проспект. 2008 –С 517; Eren, Fikret: Borçlar Hukuku Genel Hükümler, 14.V.Ankara 2012, –S. 970; Reisoğlu, Sefa: Türk Borçlar Hukuku Genel Hükümler, 23.V.İstanbul 2012, –S.302; Замуруев А.С. Кредит и ссуда: терминологический анализ, классификация и определения форм. Деньги и кредит. 1999. –С 32; Хоружий Л.И., Расторгуева Р.Н., Алборов Р.А., Постникова Л. В. Бухгалтерский учёт. Под ред. Хоружий Л.И., Расторгуева Р.Н. М.: КолосС 2004. –С 168; Michael G. Hadjimichalakis, Какма G. Hadjimichalakis. Contemporary money, banking and financial markets (theory and practice). University of Washington. Richard D. IRWIN, INC 1995 y. USA –P 413.

⁶ Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари. –Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1999. –Б 320; Дусмуратов Р.Д., Турдиева Г.О. Кредит қобилияти таҳлили: назария ва ташкилий-услубий жиҳатлар. Монограф. –Т.: «Иқтисод-молия» нашриёти, 2021. –Б 180; Кузиёв И.Н. Аудиторлик ҳисоботларини тузиш ва уларни умумлаштириш: назария ва методология масалалари. Монограф. –Т.: Iqtisod-moliya. 2015. –Б 200; А.Ж. Туйчиев Мажбуриятлар ҳисоби ва таҳлилининг назарий-методологик муаммолари. Монография. –Т.: Iqtisod-moliya. 2021. –Б 180.; Хайдаров Ш., Ортиқов Х. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-сон БҲМС). –Т.: Ғафур ғулом номидаги матбаа ижодий уйи, 2007. –Б 256; Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. –Т.: Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи. 2021. –Б 588.; Каримов А.А., Исломов Ф.Р., Авлоқулов А. Бухгалтерия ҳисоби. –Т.: «Шарк» НМАК, 2004. –Б 592; Kuljanov O.M., Ortiqov X.A. Moliyaviy hisob. –Т.: Iqtisod va moliya, 2019. –Б 300; Рашидов О.Ю. ва бошқалар. Пул, кредит в банклар, Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2011 –Б 52.; Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Иқтисод молия, 2014. –Б 52.; Элмирзаев С. Когоратив молия. Иқтисод молия. 2019 –Б 110.; Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. Т.: Иқтисод-молия, 2007. –Б 182; Наврўзова А.Н. Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва операцион техника. Ўқув қўлланма. – Т.: Iqtisod-moliya, 2010. –Б 191; Омонов А.А., Қоралиев Т.М. Пул кредит ва банклар. –Т.: Иқтисод ва молия, 2012. –Б 166; Муйдинов Б.Н., «Акциядорлик жамиятларида банк кредит бўйича операциялар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш» мавзусидаги диссертация автореферати. – Т., 2002. –Б 26.

иқтисодий таҳлил ва аудитнинг услубиятини такомиллаштириш» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кредитлар (қарзлар) ҳисоби ва аудитининг ташкилий-услубий таъминотини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кредит ва қарзларнинг иқтисодий моҳиятини ҳамда иқтисодиётдаги ролини тўлароқ очиб бериш;

кредит ва қарзларнинг бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш бўйича услубий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

объект бўйича сўнгги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда кредитлар аудитининг мақсади, вазифалари ва объектларини аниқлаштириш;

кредит ва қарзлар аудитини ташкил этиш, режалаштириш услубларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

кредит ва қарз операциялари бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш алгоритминини ишлаб чиқиш;

кредит ва қарзларни аудиторлик текширувидан ўтказиш методикасини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

кредит ва қарзлар аудитида молиявий таҳлил усулларини қўллашнинг услубий жиҳатларини очиб бериш ва уларнинг мақсадга мувофиқлигини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти Қорақалпоғистон Республикасида фаолият юритаётган турли ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш корхоналари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб кредитлар ва қарзларнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудити билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий, услубий ва амалий масалалар мажмуи, шунингдек, аудитда молиявий таҳлил усулларини қўллаш масалалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқоти предметининг ташкилий, иқтисодий ва норматив-ҳуқуқий хусусиятларини тадқиқ қилишда диалектика услубларини қўллашга асосланди. Монографик тадқиқот объектлари бўйича гуруҳлаш, таққослаш, илмий тафаккур, иқтисодий-статистик ва молиявий таҳлил усуллари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кредит операцияларида квалификацияланадиган активлар ҳисобини ҳисоб сиёсатининг «Бухгалтерия ҳисоби услуги» ва «Ҳисоб сиёсатининг техник таъминоти» бўлимларига киритиш асосида такомиллаштириш таклифи асосланган;

кредит операциялари аудитини ўтказишнинг ташкилий-услубий таъминотида «фаолият узлуксизлиги» (ISA 570 - Ongoing concern), «мижоз фаолиятини ўрганиш» (ISA 315 - Understanding the Entity) ҳамда «ички назорат воситаларини баён қилиш ва баҳолаш» (ISA 265 - Communicating Deficiencies in Internal Control) бўйича аудитнинг халқаро стандартларини соҳаларда татбиқ этишнинг услубий жиҳатлари ички аудит стандартлари ва

намуна ҳужжатлари таркибига ишчи-техник ҳужжатлар мажмуини киритиш асосида такомиллаштирилган;

кредит ва қарз операцияларининг аудиторлик текширувлари жараёнининг самарадорлигини ошириш бўйича ялпи усулда ҳужжатли текшириш ва ишчи муҳимлик (performance materiality) чегарасига таққосламали танлаб текшириш усулига асосланган икки йўналишда аудит ўтказиш таклифи асосланган;

кредит ва қарзлар аудитида молиявий таҳлил усулларини қўллашда мижоз позициясидан тренд таҳлилини ўтказиш ва ликвидлик кўрсаткичининг омилли таҳлили натижаларини баланс кўрсаткичларига мутаносиб бўлиш орқали коэффицентларнинг сифат ўзгаришини аудитор мулоҳазасидан ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги амалий жиҳатдан асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кредит ва қарзлар бўйича бухгалтерия ҳисобининг намунавий синтетик ва аналитик ёзувлари, қарзлар бўйича харажатларни қарз субъектлари ўртасида Солиқ кодекси асосида ҳисоблаш ишчи қайдномаси, капитализация қилиш схемаси, квалификацияланадиган активларни ҳисобга олишда қўллаш учун «етти кадамли алгоритм» ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини ҳисоб сиёсати асосида такомиллаштиришда 0811-0817 аналитик счётларни очиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

кредит ва қарз операцияларини аудиторлик текширувдан ўтказишда мижоз фаолиятини дастлабки ўрганиш ва аудитнинг умумий режасидан дастурини тайёрлашгача бўлган жараёнда дастлабки режалаштириш, корхонанинг фаолият узлуксизлиги, ички назорат воситаларини баён қилиш ва баҳолаш бўйича услубий ва амалий ёрдам берадиган саволномалар (тестлар) ишлаб чиқилган ва аудитда аниқланиши эҳтимол бўлган хато ва камчиликлар 4 та йўналишда туркумланган;

мижоз фаолиятини кредит операциялари юзасидан аудит ўтказиш процедуралари мажмуини мақбуллаштириш ва текшириш самарадорлигини оширишда вақт ва меҳнат харажатларини камайтиришга тизимли ёндашув учун замин яратадиган икки йўналишли, ялпи ва танлаб текширишга асосланган аудиторлик амаллар алгоритми ишлаб чиқилган;

кредит ва қарзлар аудитининг моҳиятидан келиб чиқиб, манфаатдор томонларнинг талабларига жавоб берадиган ва мазкур участкани ўрганиш, фойдали хулосалар шакллантиришда ҳамда етарли далилларни тўплашда молиявий ва номолиявий маълумотлар асосида таҳлилий амалларни аудит жараёнида қўллашда молиявий таҳлил усулларидан, жами 7 та усуллар мажмуидан фойдаланишнинг услубий жиҳатлари очиб берилган, улардан фойдаланишнинг афзалликлари асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги уларни таниқли маҳаллий ва чет эллик иқтисодчи олимларнинг кредит (қарз) операциялари ҳисоби, уларни аудиторлик текширувидан ўтказишга тааллуқли илмий, назарий қарашларини таҳлил қилиш ва ўрганиш, илғор хориж тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштириш,

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Марказий Банк статистик маълумотларига, тадқиқот объекти сифатида танлаб олинган қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ҳисоботлари, шунингдек, бошқа амалий маълумотларга асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қишлоқ хўжалиги корхоналарида кредит операциялари ҳисоби ва аудитини ташкил этиш ҳамда такомиллаштиришда мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилишида кенг фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялардан қишлоқ хўжалиги корхоналарида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ҳамда аудиторлик текширувларини ўтказишда, шунингдек, олий ўқув юртларида «Бухгалтерия ҳисоби», «Аудит» ва «Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби» фанларининг ўқув дастурларини такомиллаштиришда ҳамда уларни ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида кредит операцияларининг ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш бўйича олинган илмий ва амалий тавсиялар асосида:

кредит операциялари бухгалтерия ҳисоби, қарзлар бўйича харажатларни ҳисобга олишда капиталлаштириш жараёнини ва ставкасини аниқлаш ҳамда квалификацияланадиган активлар ҳисоби асосида ҳисоб сиёсатини такомиллаштириш бўйича таклифлар Қорақалпоғистон Республикаси (ҚР) Молия вазирлиги (2022 йил 13 майдаги СИ/03-09/1317-сон маълумотнома) ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (2022 йил 18 майдаги 03/016-1397/1-сон маълумотнома) томонидан амалиётга жорий қилинган. Бунинг натижасида кредитларнинг (қарзлар) бухгалтерия ҳисобини ва квалификацияланадиган активлар бўйича фоизлар капитализацияси, капитализацияни ўтказиш жараёни ҳамда қарзларнинг ҳисоби бўйича молиявий ҳисобнинг халқаро стандартларини татбиқ қилиш масалалари ўз ечимни топган. Шунингдек, мазкур таклифлар «Finansliq esar» номли Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим вазирлиги томонидан (ISBN 978-9943-7025-1-6, 2021 йилда Muharrir nashriyoti, –Б. 452) тавсия этилган дарсликни тайёрлашда фойдаланилган;

кредит операциялари аудитини режалаштириш ва ташкил этишнинг фаолият узлуксизлиги (Ongoing concern) тамойилларини қўллаш, мижоз фаолиятини ўрганиш (Understanding the Entity) ҳамда ички назорат воситаларини баён қилиш ва баҳолаш (Communicating Deficiencies in Internal Control) бўйича аудитнинг халқаро стандартларини соҳаларда татбиқ этиш бўйича тавсиялар ҚР Молия вазирлиги (2022 йил 13 майдаги СИ/03-09/1317-сон маълумотнома), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (2022 йил 18 майдаги 03/016-1397/1-сон маълумотнома) ва ҚР «КК-AUDIT-SERVIS» аудиторлик компанияси (2020 йил 6 мартдаги 8-сон маълумотнома) томонидан амалиётга жорий қилинган. Мазкур тавсиялар асосида корхоналарда кредит (қарз) ларнинг аудити бўйича дастлабки режа тузиш вақти сарфи 15-20 %га

қисқариб, меҳнат унумдорлиги 1,2-1,3 марта ошишига имкон яратилган;

кредит ва қарз операцияларини аудиторлик текширувидан ўтказиш жараёнини мақбуллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида аудит ўтказиш бўйича икки йўналишли алгоритм ишлаб чиқилган. Мазкур тавсия ҚР Молия вазирлиги (2022 йил 13 майдаги СИ/03-09/1317-сон маълумотнома), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (2022 йил 18 майдаги 03/016-1397/1-сон маълумотнома) ва ҚР «КК-AUDIT-SERVIS» аудиторлик компанияси (2020 йил 6 мартдаги 8-сон маълумотнома) томонидан амалиётга жорий қилинган. Бунинг натижасида, кредит (қарз)ларнинг аудиторлик текшируви режасини тузиш ва ташкил этишда далилларни тўплаш ва текширув амалларини самарали тайинлашга, хусусан аудитни режалаштириш ва ташкил этиш жараёни соддалашиб, меҳнат харажатлари 1500,0-1600,0 минг сўмга ва сарфланадиган вақт 15-20 %га камайишига эришилган;

кредит ва қарзлар аудитида молиявий таҳлил усулларини қўллашда мижоз позициясидан баланс кўрсаткичларини мутаносиб тақсимлаш усули орқали ликвидлик коэффициенти талқин қилиш ва тренд таҳлилининг сифат баҳолашларини ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги амалий жиҳатдан асосланганлиги бўйича таклифи ҚР Молия вазирлиги (2022 йил 13 майдаги СИ/03-09/1317-сон маълумотнома), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (2022 йил 18 майдаги 03/016-1397/1-сон маълумотнома) ва ҚР «КК-AUDIT-SERVIS» аудиторлик компанияси (2020 йил 6 мартдаги 8-сон маълумотнома) томонидан амалиётга жорий қилинган. Бунинг натижасида, молиявий ва номолиявий ахборотларни таҳлилий амаллар ёрдамида текшириш орқали зарур далилларни тўплашга замин яратилган. Шунингдек, аудитда молиявий таҳлил натижаларини аудит мулоҳазасидан ўтказиш орқали уларнинг сифат жиҳатларини ўрганишнинг афзалликлари амалий жиҳатдан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 18 та, жумладан 3 та халқаро, 15 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мазмуни ва асосий ғояларига бағишланган жами 25 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, шундан 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркибан кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловаларни ўз ичига олган. Диссертация ишининг ҳажми 140 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий

аҳамияти асосланган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини молиявий таъминлашда кредитлашнинг аҳамияти ва норматив-ҳуқуқий асослари**» деб номланган биринчи бобида кредит ва қарз операцияларининг моҳияти, аҳамияти, молия-хўжалик муносабатларидаги ўрни ва шакллари, кредит ва қарз операциялари, уларнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва кредитлаш жараёнининг таъминланганлиги ва расмийлаштирилишининг услубий-меъёрий жиҳатлари тадқиқ қилинган ҳамда мазкур масалалар юзасидан илмий хулосалар шакллантирилган.

1-жадвал

Банк кредити муносабатларида банк-мижоз (корхона) ўртасидаги алоқа ва тушунчалар қиёсланиши⁷

Томонлар	БАНК КРЕДИТ	
	Банк	Мижоз (корхона)
Тушунчалар		
Ҳуқуқий асоси	ЎРҚ-580-сон «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»	ЎРҚ-404-сон «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»
Бухгалтерия ҳисоби	Банк бухгалтерия ҳисоби, Марказий банк йўриқномалари	Бухгалтерия ҳисоби, БҲМС, БҲХС, Молия вазирлиги ва Марказий банк йўриқномалари
Таҳлил	Балл асосида (корхонага кредит беришда)	Коэффициент ва таққослаш меъёрлари асосида (тўлов ва кредит лаёқатлилигини, баланс ликвидлилигини аниқлашда)
Аудит	Ички ва ташқи аудит	Ички ва ташқи аудит
Сийёсат	Кредит сийёсати	Ҳисоб сийёсати
Фаолият	Асосий фаолият	Молиявий фаолият
Фоииз	Даромад	Харажат
		Капиталлаштириш
Асосий қарз	Ресурс қайтиши	Мажбурият сўндирилиши
Муддат	Қисқа	Жорий активлар
	Узоқ	Узоқ муддатли активлар
Хатар	Кредит қайтмаслиги, даромад камайиши, харажат ошиши	Тўлов қобилиятининг тушиши, таъминот, гаров объекти, гаровни йўқотиш хатари, ички назорат муҳитининг пастлиги, ишонч йўқотилиши
Манфаат	Инвестиция фаолияти асосида даромад манбаси ошиб боради, иқтисодиётдаги бўш маблағларни жонлантиради, давлатнинг иқтисодий-ижтимоий ўсишига асос яратилади	Зарур молиявий манба шакллантирилади, ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) ҳажми ошади, пировард натижада иқтисодий ўсишга (ЯИМ, бандлик ва ҳ.) ҳисса қўшилади

Корхоналар хўжалик фаолиятларини талаб даражасида ва рақобат муҳитида соғлом фаолият олиб бориши учун ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ва модернизациялаш жараёнларини амалга оширишда ички молиявий имкониятлар чегараланганлиги боис, ташқи молиявий манбаларга талаби ошмоқда. Айниқса, банклар ва бошқа қарз берувчи томонлар мазкур талабни қондириш мақсадида ҳар хил кредит ва қарз маблағларини ажратмоқда. Мазкур муносабатларда банк ва мижоз ўртасидаги алоқалар ва уларнинг ўзаро манфаатлари ҳар хил (айни) ҳуқуқий асосларга ва улардан келиб чиқадиган турли хил, масалан, бухгалтерия ҳисоби, таҳлил, аудит, иқтисодий хатарлар ва ҳ.к. бўлишидан қатъи назар пировардида жамият манфаатларига хизмат қилиши маълум бўлди (1-жадвал).

⁷ Муаллиф томонидан меъёрий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилди.

«Ҳеч бир бизнес ресурсларсиз фаолият юрита олмайди. Бизнес асосий тўртта унсурга суянади: инсон, моддий, молиявий ва ахборот ресурслари»⁸. Ҳақиқатда ҳам, корхоналар ресурсларга доимо эҳтиёж сезиб келган ва улар ичида молиявий ресурслар алоҳида аҳамият касб этади.

Кредит операциялари бўйича турли хил адабиётларда ва мақолалардаги ёндашувларда бир хилликни, айти пайтда баъзи тафовутларни ҳам пайқаш мумкин. Миллий ва халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш ҳамда тадқиқ қилиш асосида кредит операциялари 3 та хусусияти бўйича туркумланди. Бунда кредит унсурлиси: банк кредити, тижорат кредити; қарз унсурлиси жумласига: қарз, ссуда ва оператив ижара; молиявий унсурлисига молиявий воситалар ва молиявий ижара (лизинг) тушунчалари алоҳида ажратиб таснифланди. Мазкур таснифлашда уларнинг норматив-ҳуқуқий асослари, ресурс шакли, бухгалтерия ҳисоби, қарз бўйича харажатларни тан олиш, турлари ва солиқ оқибатлари бўйича ўхшашликлари ҳамда тафовутлари алоҳида тавсифланди.

Диссертациянинг «**Кредит ва қарз операциялари ҳисобини юритиш, аудитини режалаштириш ва ташкил этишнинг услубий жиҳатлари**» деб номланган иккинчи бобида кредит ва қарзлар ҳисоби, унинг услубларини такомиллаштириш, кредит ва қарзлар аудитининг меъёрий таъминоти, уни режалаштириш услублари ва такомиллаштириш ҳамда аудиторлик далилларни олиш манбалари ва усулларини шакллантириш масалалари баён этилган бўлиб, боб сўнггида илмий таклиф ва тавсиялар шакллантирилган.

Бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг халқаро талабларига интеграциялашуви жараёни кечаётган бир пайтда қишлоқ хўжалиги соҳаси ҳам халқаро молиявий ва иқтисодий жараёнларнинг бир қисми сифатида хўжалик фаолиятида бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС) қўлланилар экан, бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти (БҲХС) талабларини татбиқ этиб бориши ҳам муҳим масала ҳисобланади. Хусусан, 41-сонли «Қишлоқ хўжалиги» БҲХС ва 23-сонли «Қарзлар бўйича харажатлар» (borrowing cost) БҲХС ва 24-сонли «Қарзлар бўйича харажатлар ҳисоби» БҲМСда келтирилган ҳисоб объектларига қўйилган талабларни қишлоқ хўжалиги корхоналари бухгалтерия ҳисоби тизимида жорий қилиш зарурати вужудга келмоқда.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, қарз амалиётида кўпинча қарз субъектларининг эътиборидан четда қоладиган Марказий банк асосий фоиз ставкаси (МС) нисбатида мулкӣ даромадлар ҳисобига солиқ тўлаш мажбурияти вужудга келади. Лекин мазкур мажбурият қурилаётган, кейинчалик сотиш учун ва (ёки) ўзлари фойдаланишлари учун мўлжалланаётган активнинг қийматига капиталлашмай қолиб кетади. Ҳолбуки, 23-БҲХС ва 24-БҲМСларда қарз бўйича харажатлари вужудга келса, ушбу қарз қурилиш ишлари, тайёрлаш ишлари пайтида амалга ошса, ушбу активнинг қийматига ўтиши белгиланган.

⁸ Fred L. Fry, Charles R. Stoner, Richard E. Hattwick. Business: an integrative framework. IrwinMcGraw-Hill. P. 368.

**«Қўнғиротбой меҳри» МЧЖнинг қарз бўйича харажатларини аниқлаш жадвали
(тавсия)⁹, (млн. сўмда)**

T/р	Қарз тури	Қарз маблағи, (К)	Шартномавий қарз % ставкаси (ШФ)	МС (%)	Фарқ ¹⁰ (Ф,%)	Қарз % тўлаш-гача бўлган кун (К)	Қарз берувчига тўланадиган сумма, фоизли харажат (Қ×ШФ/365×К)	Қарз олувчи томонидан солиқ базасига қўшиладиган сумма, харажат
	1	2	3	4	5 (3-4)	6	7	8
1.	Қайтариладиган, фоизли	2500	16	14	-	245	268,49	х
		2500	12	14	2	245	201,37	Қ×Ф/365×К 33,56
2.	Қайтариладиган, фоизсиз	2500	х	14	-	245	х	Қ×МС/365×К
								234,93
3.	Қайтарилмайдиган	2500	х	14	-	х	х	Қ×Фойда солиғи ставкаси ¹¹
								375

Ушбу масалаларнинг амалиётини ва мавжуд муаммоларини ўрганиш асосида қарз амалиёти бир шаклга келтирилиб, қарз субъектларига қарз операцияларини меъёрий хужжатларга мос равишда тўғри хужжатлаштириш учун тавсия сифатида қайднома (2-жадвал) ишлаб чиқилди. Унда 1- фоизли МСдан юқори ёки паст ставкаларда қарз олиш амалиётининг ҳисоб-китоби, 2- фоизсиз қарзда МС асосида қарз бўйича харажатларнинг ҳисоб-китоби бажарилган ҳамда охириги 3- қайтарилмайдиган шаклида эса, қарз маблағига нисбатан қарзни олувчи томоннинг Солиқ кодекси (СК) асосида солиқ бўйича мажбуриятининг ҳисоб-китоби бажарилди. Хусусан, «Қўнғиротбой меҳри» МЧЖнинг 2021 йилдаги олган 2,5 млрд. сўм қарзига нисбатан СК асосида мажбуриятлари ва қарз бўйича харажатларини ҳисоблаш амалиёти акс эттирилган. Олинган қарзнинг шартнома муддати асосида 245 (9 ой) кунда ва 12 %, яъни МСдан 2 %га кам миқдорда тўлов амалга оширилган (5 устун). Қайтариладиган қарзи бўйича қарз берувчига тўлаб берадиган фоизли харажати 201,37 млн. сўм ва олинган қарзи бўйича 33,56 млн. сўм бюджет олдида мажбурияти вужудга келган. Мазкур масалалар квалификацияланадиган актив қурилиши учун сарфланишида капитализация қилиш меъёрий хужжатларда таъкидланган, лекин ушбу операциялар бўйича бухгалтерия ёзувлари 21-сонли БХМСда назарда тутилмаган. Шунингдек, тадқиқот ишимизда ушбу муаммоларга амалий ечим сифатида мазкур қайднома шаклининг ажралмас қисми сифатида жами 4 та формула тавсия қилинди.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари кичик бизнес субъекти ёки йирик хўжа-

⁹ Муаллиф томонидан меъёрий хужжатларни ўрганиш асосида ишлаб чиқилди.

¹⁰ ШФ ≥ МС бўлса фоиз ёзилмайди (-), агар ШФ < МС бўлса фарқи (Ф) ёзилади.

¹¹ Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкаси 2021 йилда 15 % бўлган.

лик субъекти бўлиши мумкин¹². 20-сонли БҲМСда: «1.5-бандида ҳисобга олиш алоҳида объектларининг (асосий воситалар, номоддий активлар, молиявий қўйилмалар ва шу кабиларнинг) бухгалтерия ҳисоби бошқа миллий стандартларда белгиланган талабларига мувофиқ юритилади»,¹³ деб таъкидланган. Шунга асосланиб, 24-сонли БҲМС-«Қарзлар бўйича харажатлар» қишлоқ хўжалиги корхоналарига ҳам тааллуқли стандарт ҳисобланади. Қарзлар бўйича харажатлар корхона томонидан қарз мажбуриятини олишидан вужудга келадиган фоизли ва бошқа харажатлари ҳисобланади.

3-жадвал

«Қўнғиротбой меҳри» МЧЖда «Квалификацияланадиган актив» турлари бўйича бухгалтерия ўтказмалари (тавсия)¹⁴

Т /р	Хўжалик операциялари мазмуни	Сумма, млн. сўмда	Дебет	Кредит	Асос бўлувчи ҳужжатлар
1.	Қарз (кредит) маблағи олинди	6750,0	5110	6810, 6820, 7810, 7820	Қарз шартномаси, тўлов ҳужжатлари
2.	Қарз берган томонга тўланадиган қарз бўйича харажат капитализация қилинди (шартномавий 12 %) / тўлаб берилди	201,37/ 201,37	0816/ 6920	6920/ 5110	2-жадвал/ тўлов ҳужжати
3.	Олинган қарз бўйича солиқ мажбурияти (МС (14 %) ва шартнома (12 %) фарқи 2 %) ҳисобланди / тўлаб берилди	33,56/ 33,56	0816/ 6410	6410/ 5110	2-жадвал/ тўлов ҳужжати
4.	Олинган кредитлар бўйича фоиз ҳисобланди / фоизлар тўланди	524,17	0816/ 6920	6920/ 5110	Тўлов ҳужжатлари
5.	Квалификацияланадиган актив турларига харажатлар сафарбар этилди	5854,0	0816	Моддий, меҳнат ва бошқа харажат счётлари	Юқхати, наряд, қайднома
6.	Квалификацияланадиган актив (турлари бўйича) асосий восита таркибига қабул қилинди	6613,1	0120	0816	Далолатнома

Мазкур жараённинг амалиётини ўрганар эканмиз, ҳисоб-китоб ишларида расмийлаштириш ва ҳисоб-китоблар жараёнини ҳужжатлаштириш масалалари тўла тўқис ишлаб чиқилмаганлиги, айрим ҳолларда баъзи қарзлар бўйича харажатларни 24-сонли БҲМС талаблари асосида капиталлаштириш амалга ошмаётганлиги маълум бўлди. Бухгалтерия ҳисобининг 21-сонли БҲМС счётлар режаси ва корреспонденциясида 0810-«Тугалланмаган қурилиш» счёти мавжуд. Унинг изоҳида: «Капитал қурилиш сметалари, смета-лойиҳа ҳисоб-китобларида ва титул рўйхатларида келтирилган бино ва иншоотларни барпо этиш, ускуналар, асбоблар, инвентарлар ва бошқа жиҳозларни сотиб олиш бўйича харажатлар ҳисобга олинади»¹⁵ дейилган. Демак, корхона квалификацияланадиган активлар талабларига мос келувчи

¹² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 октябрдаги «Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификациясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 439-сон қарори иловаси.

¹³ 20-сонли БҲМС. Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан содаллаштирилган тартибда ҳисоб юритиш ва ҳисоботлар тузиш тўғрисида. –Т.: Норма, 2017.


¹⁴ Тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган.

¹⁵ 21-сонли БҲМС «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома». –Т.: Норма, 2017.

қурилиш ишларини бажариш пайтида 24-сонли БҲМСда қарз бўйича харажатлар вужудга келса, лекин капиталлашмаса, унда стандарт шартлари бажарилмаган ҳисобланади. 0810-счётда квалификацияланадиган активларни ҳисобга олиш учун ҳисоб сиёсати талаблари асосида унинг таркибига 0811-0817 счётларини киритиш ҳисоб ишларининг ҳаққонийлиги ва БҲМС талабларига мос келишини таъминлайди. Натижада квалификацияланадиган активларни 21-сонли БҲМСдаги счётларнинг қайси бирида ҳисобга олиш масаласи ўз ечимини топди ва 1-сонли «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот»¹⁶ БҲМС талаблари ҳам бажарилди (3-жадвал).

Мазкур бухгалтерия ёзувларининг намунавий шаклида «Қўнғиротбой меҳри» МЧЖ мисолида 0816-счётда жами 6613,1 млн. сўмли квалификацияланадиган актив асосий воситалар таркибига кирим қилиниш бўйича бухгалтерия ўтказмалари намунаси кўрсатиб берилди.

Қарз ҳисобидан бажарилган ишларда қарз бўйича харажатлар вужудга келади. Бунда, албатта, квалификацияланадиган активнинг қиймати тўғри ҳисобга олинишига эътибор бериш зарур. Мазкур масалага амалий-услубий ечим сифатида «етти қадамли алгоритм» ишлаб чиқилди. Унда квалификацияланадиган актив ишлаб чиқиладиганда, унинг эътибор берилиши зарур бўлган томонлари ва амалиётда учраётган хатолар ўрганилди. Бу алгоритмнинг муҳим томони шундаки, квалификацияланадиган активга капитализация қилишни тўғри ташкил этиш ва ҳисоб-китобини бажаришда хатоларнинг олди олинади ва услубий бирхилликни таъминлашга олиб келади (1-расм).



1-расм. Капиталлаштириш қарорини қабул қилиш учун «етти қадамли алгоритм»¹⁷

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида квалификацияланадиган актив мавжуд бўлганда, юқорида таъкидланган еттита иш кетма-кетлиги бажарилгандан сўнг, капитализация қилиш даври, уни тўхтатиб туриш ва тўхтатиш вақтларини белгилаш зарурати вужудга келади. Капитализацияни бошлашда учта шарт тўлақонли бажарилиши керак. 24-сонли БҲМС 24-бандига мувофиқ: «актив учун харажатлар, қарз бўйича харажатлар ва активдан фойдаланиш

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси 1-сонли БҲМС, Молия вазирлиги 26.07.1998 й. 17-17/86-сон, lex.uz/acts/828581.

¹⁷ Тадқиқотчи томонидан халқаро норматив ва услубий ҳужжатларни ўрганиш асосида ишлаб чиқилган.

ёки сотишга тайёрлаш учун тадбирлар амалга ошириш бошланган бўлиши шарт»¹⁸, дейилган. Капитализация жараёнини ўрганишлар натижасида, уни шартли равишда 2 хилга бўлиб қаралса, мақсадга мувофиқ бўлади. Фоизлар капитализациясининг биринчи турида қарз олган давр, квалификацияланадиган актив тайёрланиб бошланганидан сўнг амалга оширилади. Бунда амалга оширилаётган ишлар қарз муддатидан кўпроқни ташкил этади. Мазкур ҳолатда фоизли ва бошқа харажатлар фақат қарз бўйича муддатга тегишли давригагина тааллуқли бўлади, бошқа харажатлар капитализацияси давом этади. Иккинчи турида эса қурилиш ёки ишлаб чиқариш ишлари аввалроқ амалга оширила бошланиб, қарз бўйича харажатлар кўпроқ вақт давом этади. Ишлар эса нисбатан камроқ вақтда амалга оширилади. Бу ҳолатда капитализация иши фақат қурилиш даврига тааллуқли ҳисобланиб, қолган даврлардаги харажатлар давр харажатлари сифатида тан олиними керак.

Айрим пайтларда корхоналарда бир пайтнинг ўзида бир неча қарз (кредит) маблағлари асосида ишлар ташкил этилиб, шу даврда қурилиш ва ишлаб чиқариш (квалификацияланадиган актив) юзасидан қарзлар бўйича харажатлар амалга оширилиши зарур бўлиб қолади. Бундай пайтларда ҳақиқатда бажарилган ишлар миқдорига нисбатан капитализация ставкаси аниқланиб, капитализация қилинади. Лекин айрим пайтларда олинган қарз маблағлари ортиқчалик қилиши, бўш туриб қолишининг олдини олиш мақсадида инвестиция қилиш ҳолатлари ҳам учрайди. Мазкур ҳолатда қарз бўйича харажатлардан инвестицион даромадлар чегирилиб, қолган сумма қарз бўйича харажат сифатида эътироф этилади.

Капитализация ставкасини аниқлашда корхонанинг қарз (кредит) маблағларининг мақсадлилиги ва умумийлиги нуқтаи назаридан фарқли ёндашувлар мавжуд бўлиши мумкин. «Кўнғиротбой меҳри» МЧЖ 2021 йилда ферма иморати мажмуасини қуришни режалаштирган. 4-жадвалда жалб қилинган кредит ва қарзлар тўғрисида маълумотлар акс эттирилган.

Келтирилган шартларни ҳисобга олган ҳолда, капитализация ставкаси аниқланди ва 2022 йилга иморатнинг баланс қиймати ҳисоб-китоби бажарилди. Ушбу ҳисоб-китобларда 2021 йил 1 мартдаги банк кредити айнан мазкур қурилиш учун олинганлигини эътиборга олган ҳолда, ҳисоб-китобларни 5-жадвал бўйича амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Агар корхонада бир пайтда бир неча кредит ва қарзлар бўлиб, улар турли фоизларда олинган ва капитал қурилишга (ишлаб чиқариш) сафарбар қилинаётган бўлса, уларнинг ўртача капитализация ставкаси (фоизи) аниқланади. Бизнинг мисолимизда бу ставка 11,91 %ни ташкил этади. Шундан умумий капитализация суммаси $73,98+88,42=162,4$ млн. сўм эканлиги маълум бўлди. Демак, қурилаётган объектнинг 2022 йил 1 январь ҳолатига баланс қийматига 162,4 млн. сўм қўшилади. Капиталлаштиришга харажатлар тан олиними учун улар, албатта, тўланган ёки сафарбар қилинган бўлиши керак (1-расм, 6 кадам).

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси 24-сонли БҲМС, Молия вазирлиги. 05.08.2009 й. 79-сон, lex.uz/docs/1512384.

4-жадвал

«Кўнғиротбой меҳри» МЧЖда капитализация ставкасини аниқлаш бўйича ишчи
жадвали (тавсия) (млн. сўм)¹⁹

Қарз турлари	Олиш санаси	Қарз миқдори	шартномавий % ставкаси	% суммаси (2021 йил учун)
Банк кредити	1.06.2019 й.	3000	14	420
Банк кредити мақсадли	1.03.2021 й.	1250	10	104,17 (1250×0,1/12×10)
Бошқа томондан қарз	1.03.2021 й.	2500	12	234,93 ²⁰ (201,37+33,56)
Жами фоизли харажатлар:				759,1

5-жадвал

«Кўнғиротбой меҳри» МЧЖнинг 2022 йил 1 январга капитализация суммасини аниқлаш жадвали, млн. сўм (тавсия)²¹

Сана	Ҳисобот даврида қурилиш учун сарф	Мақсадли қарз хисобига	Умумий қарз хисобига	Мақсадли қарз бўйича капиталлаштириш харажатлари суммаси	Умумий қарз бўйича капиталлаштириш харажатлари суммаси
1.03.2021	1794	516	1278	43 (516×0,1×10/12)	38,05 (1278×0,1191×3/12)
1.05.2021	1501	303	1198	20,2 (303×0,1×8/12)	11,8 (1198×0,1191×1/12)
1.10.2021	1310	431	879	10,78 (431×0,1×3/12)	26,17 (879×0,1191×3/12)
1.12.2021	1249	-	1249	-	12,4 (1249×0,1191×1/12)
Жами:	5854	1250	4604	73,98	88,42

Ҳар бир корхона ва ташкилотда ички назорат хўжалик операцияларини амалга ошириш жараёнида содир бўлиши атайлаб ёки билмасдан йўл қўйиладиган қоидабузарликларнинг олдини оладиган тарзда ташкил этилиши лозим. Кредитлар ва қарз маблағлари устидан ички назорат воситаларини ташкил этиш ҳамда мазкур маблағлар ҳаракатига доир операциялар ҳам бундан мустасно эмас.

Кредит ёки қарз олиш корхона учун ўта муҳим ва масъулиятли жараён. Кредит (қарз) олишнинг муҳимлиги шундан иборатки, корхона ундан оқилона фойдалана олса, янада ривожланиш ва маҳсулот(иш, хизмат)лар сотишни кўпайтириш имконига эга бўлади. Масъулият эса нафақат олинган кредит(қарз)ларни ўз вақтида ва тўлиқ қайтариш, балки қарз маблағлардан фойдаланганлиги учун фоизларни ҳам тўлашдан иборат янги мажбуриятларнинг вужудга келиши билан изоҳланади.

Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ «Мижоз фаолияти

¹⁹ Тадқиқотчи томонидан меъёрий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган.

²⁰ 2-жадвал маълумоти келтирилган.

²¹ Тадқиқотчи томонидан меъёрий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган.

тўғрисида ахборотлар» (Understanding the Entity) иш хужжати аудитнинг режаси ва дастуридан олдин тузилади. Бизнинг амалиётимизда бундай дастлабки ахборотларни 6-жадвалдаги шакл бўйича умумлаштириш тавсия қилинади. Кўришиб турганидек, корхонада 2022 йил 1 январга ўз-ўзини молиялаштириш 32,45 %ни ташкил этиб, қониқарсиз аҳволда дейиш мумкин.

6-жадвал

Аудитни дастлабки режалаштиришда «Кўнғиротбой меҳри» МЧЖда асосий молиялаштириш манбаларининг 2022 йил 1 январга ҳолати (тавсия)²²

Кўрсаткичлар	Сумма, минг сўм	%, жамига нисбатан
Ўз маблағлари манбалари	6113538,9	32,45
Банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	12680000,0	67,31
Кредиторлик қарзи ва мақсадли молиялаштириш маблағлари	45391,1	0,24
Жами:	18838930,0	100,0

300-сонли «Аудитни режалаштириш» номли АХСга мувофиқ, аудиторлик ташкилоти таҳлил амалларини ўтказиш ёрдамида аудит учун муҳим бўлган маълумотларни аниқлаши мумкин. Демак, кредитлар ва қарзлар аудити бўйича бажариладиган аудиторлик амалларини аудитнинг умумий режасида кўрсатиш маълум таҳлилий амалларни бажаришни талаб қилади. «Аудит далиллари ўз ичига молиявий ҳисоботнинг асосини ташкил қилувчи ёзувлар ва бошқа маълумотларни олади»²³. «Текширув, кузатув, сўровлар ва тасдиқлашлар орқали текширилаётган молиявий ҳисоботлар тўғрисида хулоса чиқариш (фикр шакллантириш) учун етарли асосга эга бўлиш учун зарур далилий маълумот олиниши керак»²⁴.

Ўтказилган тадқиқот натижалари умумлаштирилиб, аудитор иш хужжатлари таркибига киритиш учун, 570-сонли АХС асосида «Корхона фаолиятининг узлуксизлиги тамойилига риоя қилиш анкетаси» ишлаб чиқилди ва тавсия этилди (7-жадвал). Анкетада тасдиқлаш мисоллари умумлаштирилиб, унда корхона фаолиятига таъсир кўрсатувчи ички омиллар умумлаштирилади ва улар узлуксизлиги тамойилига риоя қилинаётганлигини аниқлашга имкон беради.

Саволнома матнини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, 23 та саволдан 13 (1, 2, 4, 10, 11, 13, 15-19, 21, 22)таси (56,52 %) бевосита кредит ва қарз масалаларига тааллуқлидир. «Кўнғиротбой меҳри» МЧЖ фаолиятининг узлуксизлиги тамойилига таъсир кўрсатувчи ички омиллар таҳлил қилинганда, 23 та саволдан 10 (1, 2, 4, 5, 14, 17-19, 22, 23)та позициясида муаммолар мавжудлиги аниқланди.

²² Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

²³ J.M. Flood, Parctitioner`s guide to GAAS. US. Wiley 2016. P. 165.

²⁴ W.F. Messier, Jr., S.M. Glover, D.F. Prawitt, Auditing & Assurance Services: A SYSTEMATIC APPROACH, McGraw-Hill Education, 2 Penn Plaza, NY 10121, US, 2017. P. 714.

«Кўнғиротбой меҳри» МЧЖ фаолиятининг узлуксизлиги тамойилига таъсир кўрсатувчи ички омилларга риоя қилинишини аниқлаш саволномаси²⁵


Т/р	Саволлар	Жавоб	Изоҳ
1.	Аудит ўтказилаётган корхона келгуси йилда катта миқдордаги тўловлар тўлаши кутилмоқда	ҳа	
2.	Аудит ўтказиладиган корхона томонидан қарз шартномалари шартлари бузилган	ҳа	
3.	Корхонанинг соф активлари салбий кўрсаткичга эга	йўқ	
4.	Корхонанинг жорий мажбуриятлари жорий активларидан кўпайиш тенденцияси мавжуд	ҳа	
5.	Кейинги йилда харажатлар ошиши кутилмоқда (зарарлар ошиши)	ҳа	
6.	Баланс тузилган санадан кейин корхона фаолиятида стагнация, қисқариш каби салбий ҳолатлар юз берган	йўқ	
7.	ТМЗлар захираси камайиш тенденцияси кузатилмоқда	йўқ	
8.	Асосий воситаларнинг янгиланиш коэффициенти паст	йўқ	
9.	Асосий фаолият даромади харажатларни қопламапти ва зарар билан чиқиш ҳолати даврдан даврга қайталанмоқда ва ошиб бормоқда	йўқ	
10.	Молиялаштиришда муддати ўтган мажбуриятлар ишлатилапти	йўқ	
11.	Қисқа муддатли қарзларни узоқ муддатли инвестицияларга йўналтириш кўпаймоқда	йўқ	
12.	Корхона айланма активларида ўз айланма активлари етарли эмас	йўқ	
13.	Корхонада молиявий барқарорлик коэффициенти пасайган	йўқ	
14.	Корхонанинг иш фаоллиги ва рентабеллик кўрсаткичлари ёмонлашган	ҳа	
15.	Корхонанинг ликвидлик коэффициентлари паст даражада	йўқ	
16.	Жалб қилинган капитал ва хусусий капитал нисбати коэффициентининг динамикасида ўсиш мавжуд	ҳа	
17.	Қарз маблағларининг қабул қилинган лимитларидан ошган ҳолатлар мавжуд	ҳа	
18.	Кредитор ва таъсисчилар (акциядорлар) олдидаги мажбуриятлар белгиланган муддатларда бажарилмаган	ҳа	
19.	Мол етказиб берувчилар томонидан асосий тижорат шартларида чеклашлар мавжуд	ҳа	
20.	Эскирган ёки нормативдан ортиқча захиралар мавжуд	йўқ	
21.	Катта миқдорда муддати ўтган дебиторлик қарзлари мавжуд	йўқ	
22.	Дебиторлик қарзларини тўлаш муддатлари сезиларли даражада ошган	ҳа	
23.	Таъсис ҳужжатлари талабига риоя қилинмаслик ҳолатлари мавжуд	ҳа	

Диссертация ишининг «Кредитлар ва қарзлар аудитининг услубини такомиллаштириш» деб номланган 3-бобида кредит ва қарзларнинг аудитида таҳлилий амалларнинг моҳияти ва турлари, улар асосида молиявий таҳлил усуллари кўллаш орқали аудиторлик далилларни олиш ва аудиторлик текширувида аудит ўтказиш алгоритмининг қўллаш бўйича илмий таклиф ва тавсиялар шакллантирилган.

Аудитда таҳлилий амалларни бажаришда тренд таҳлилининг қўллашнинг афзаллиги шундаки, унинг ёрдамида мавжуд ҳолатга қатор йиллар бўйича (камида 3 йил) баҳо бериш ва тадқиқ қилиш имкони пайдо бўлади ҳамда кескин ўзгаришларни ўрганишга замин яратилади.

«Бўстон Кластер» МЧЖнинг 2018-2021 йиллар давомида молиялаштириш манбаларига баҳо берадиган бўлсак (2-расм), 2019 йилдан

²⁵ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.




2-расм. «Бўстон Кластер» МЧЖнинг 2018-2021 йилларга молиялаштириш манбаларининг тренд таҳлили²⁶

